

Мамлакатимизда

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов** Оқсарой қароғида Россиянинг «ЛУКОЙЛ» нефть компанияси раҳбари Вагит Алекперовни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистондаги нефть ва газ конларини тадқиқ этиш ва ўзлаштириш борасида «ЛУКОЙЛ» билан ҳамкорлик истиқболлари, ўзаро алоқаларнинг асосий тамойиллари ва шакллари ҳусусида фикр алмашилди.
- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов** **Кеча** Оқсаройда Осие тараққиёт банки президенти Тадао Чинони қабул қилди. Мулоқот чоғида ўзаро ҳамкорлик доирасида амалга оширилаётган ишлар, истиқболдаги режалар ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳусусида фикр алмашилди.
- **Кеча** Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси йиғилишида «Архивлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Бош архив бошқармаси томонидан ижро этилиши ҳақидаги масала муҳокама қилинди.
- **Ўзбекистон Республикаси Олий судида** «Демократик жараёнлар ва суд-ҳуқуқ ислохотлари» мавзусида минтақавий семинар бўлиб ўтди.
- **Кеча** Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бошқаруvinинг бўлиб ўтган йиғилишида Вазирлар Маҳкамасининг «Балогатта етмаганлар иши бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши тўғрисидаги масала қараб чиқилди.
- Халқаро гроссмейстер, катталар ўртасида шахмат бўйича энг ёш Осие чемпиони, жаҳон рейтингда 13-ўринни эгаллаб турган Рустам Қосимжоновнинг ҳафтада яна бир қувончли воқеа рўй берди. У Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти талабаси, халқаро тоифадаги спорт устаси, баъдий гимнастика бўйича Ўзбекистоннинг 1999 йилги мутлақ чемпиони Феруза Шарипова билан турмуш қурди. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовдан энг келин-кувона қизини қутловлар ҳамда қимматбаҳо совғалар олдилар.
- Қонимех туманидаги касб-ҳунар коллежи компьютерлари Навоий вилоятида биринчи бўлиб Интернет тармоғига уланди.
- Сурхондарё вилоятининг тоғли туманларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари режасига мувофиқ ҳарбий ўқув машқлари давом этмоқда. Машқларда Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг махсус бўлинмалари иштирок этипти.
- Республика Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган Муқаррам Тўрғуновнинг номидаги ёш раққаслар кўрик-танловининг республика босқичи якунига етди. Наманган вилоятида ўтказилган саралаш босқичида голибар ўзаро беллашилди. «Тановар» дастасининг раққосаси Нарғиза Қаршибоева «Олтин маъбуд» совриндориди бўлди.
- Бир қанча вазирлик, уюшма ва компаниялар ҳамда оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигида «Йўл қонди» — умр фойдаси» шiori остида пойтахтимиз марказида вилоятлар бўйлаб йўлга чиққан «Автокарвон» сафари нийосига етди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА САТЛАРДА

□ **ХАМЗА** туманидаги ногирон болаларни реабилитация қилиш марказида Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимлари иштирокида марказ аъзолари томонидан тайёрланган расмлар кўргазмаси намойиш этилди.

□ **МИЛЛИЙ** матбуот марказида ЭКОСАН халқаро жамғармаси ташаббуси билан жаҳон атроф-муҳитини муҳофаза қилиш кунига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида табиатни асраш замондошларимизнинг муқаддас бурчи эканлиги яна бир марта таъкидланди.

□ **МИРЗО** Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиде журналистика факультети магистрантларининг битирув кечаси ўтказилди. Унда магистрантлар биринчи илмий ишларини ҳимоя қилишди.

□ **ОЛИЙ** бозорда кийим-кечак ва пойабзал маҳсулотлари билан савдо қилувчи 250 та бўлимдан иборат янги савдо мажмуи фаолият бошлади.

□ **БУГҮН** республика Байналминал маданий марказида истиқлолнинг 10 йиллигига бағишланган жамоат кенгаши бўлиб ўтди.

□ **ЭРТАГА** Рус маданий маркази қошидаги эстрада-цирк коллежиде оналар ва болалар йилга бағишланган концерт ўтказилди.

□ **КЕЧА** Собир Раҳимов туманидаги 2-музыка мактабиде «Энг яхши она» деб номланган туман маҳаллаларидаги аёллари иштирокида ўтказилган кўрик-танлов истиқлолнинг 10 йиллиги ҳамда оналар ва болалар йилга бағишланди.

□ **БУГҮН** Миробод туманидаги Йўлдош Охунбоев номи маҳаллада туман Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан ўқув семинари ўтказилди.

Жаҳонда

- **Эртага** Ялта шаҳрида (Украина) Озарбайжон Республикаси, Грузия, Молдова Республикаси, Ўзбекистон Республикаси ва Украина Президентларининг (ГУУАМ) учрашуви бўлади.
- **Кеча** Нидерландия қироличаси Беатрикс илк давлат таширифи билан Москвага келди. Шу куннинг ўзиде ў Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан музокаралар олиб борди. Музокаралар якуни бўйича яқин уч йилга мўлжалланган қўшма ҳаракат дастурини имзоланди.
- **Бугун** Арманистон Президенти Роберт Кочарян таширифи билан Брюсселга келади. Бу ерда у Европа Иттифоқи ва НАТО раҳбарлари билан учрашади.
- Украина ва Польша Президентлари Л. Кучма ва А. Квасневский Днепрпетровскда менежмент, тадбиркорлик ва инвестицияларни ривожлантиришга қўмаклашувчи украин-поляк марказини очдилар. Ушбу маросим Украинада ҳозир бўлиб ўтаётган иқтисодий форум доирасида уюштирилди.
- Душанба кuni Непалда янги қирол тахтга ўтирди. Катмандада комендантлик соати эълон қилинди.
- 3 июндан бошлаб Россия Венгрия билан визали тартибни жорий этди.
- **Эртага** Гамбургда Болтик денгизи мамлакатлари ташкилотининг иқтисодиёт вазирлари даражасидаги навбатдаги учрашуви очилди.
- Тетовода Македониянинг ҳукумат қўшинлари билан албан жангарилари ўртасидаги жанговар ҳаракатлар яна бошланди. Ҳар иккала томон артиллериядан фойдаланмоқда.
- **Бугун** Марказий разведка бошқармасининг директори Ж. Тенет эришилган ярашувни мустаҳкамлашга қўмақ бериш умидида Яқин Шарққа йўл олади.
- **Бугун** Грецияда Македониянинг шимолда юз берган вазиятга бағишланган Болқон минтақаси мамлакатлари мудофаа вазирларининг учрашуви бўлиб ўтади.
- Францияда ичкилик ичиб машина рулига ўтирган ҳайдовчиларга нисбатан қаттиқ қоралар белгиланди.
- Шу йилнинг 8-11 июнь кунлари Малайзияда каратэ бўйича 10-Жаҳон кубоги мусобақалари бўлиб ўтади. Утган кuni Ўзбекистон терма жамоаси ана шу баҳсларда иштирок этиш учун жўнаб кетди.
- Хитойнинг Баъзи минтақаларида ўтган йилларга нисбатан 90 фоиз ёмғир кам ёғди. Бу қурғоқчилик оқибатида 16 миллиондан зиёд одам ҳамда 12 миллион бош уй ҳайвони сувсизликдан қўйналмоқда. Баъзи ҳудудларда уч ойдан буён умуман ёғингарчилик бўлмаган.
- АҚШнинг Колорадо штатида «Колорадо» кубоги учун юнон-рум кураши бўйича аънавий халқаро турнирда ўзбекистонлик Юрий Витт катта муваффақият қозонди. Бухоролик бу спортчи 76 килограмм вазн тоифасида гиламга тушиб, финал беллашувида галаба қозонди ва олтин медални кулга киритди. Унинг шаънига Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, давлат мадҳияси янгради.
- Америкalik палеонтолог Жошуа Смит Қоҳирадан 280 километр узоқликдаги Барахия воҳисидан шу вақтгача фанга номаълум бўлган динозаврларнинг янги турини топишга муваффақ бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Автомобиль транспорти соҳасида монополиядан чиқариш ва бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида

Автомобиль транспорти соҳасида монополиядан чиқариш жараёнларини чуқурлаштириш, бозор муносабатларини шакллантириш ва транспорт хизматлари бозориде рақобат муҳитини яратиш, автомобиль ва дарё транспорти бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Автомобиль ва дарё транспорти соҳасида бошқарувни такомиллаштириш ва монополиядан чиқаришни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилансин:
 - автотранспортда йўловчилар ва юк ташиш соҳасида бозор муносабатлари ва рақобат муҳитини янада ривожлантириш, автомобиль транспорти ташкилотлари ва корхоналарини кенг хусусийлаштириш, хусусий автомобиль ташувчилар фаолияти соҳасини кенгайтириш, транспорт хизматлари бозориде мулкчиликнинг барча шаклларидаги автомобилда ташувчилар учун тенг шарт-шароитлар яратиш;
 - автомобиль ва дарё транспортида юк ва йўловчилар ташишни бошқаришнинг ортқича бўғинларини тугатиш, бошқарувнинг бир ва икки бўғинли тизимига ўтиш;
 - автомобиль транспортида бошқаришни марказлаштиришдан чиқариш ва автомобилда йўловчилар ташувчи, юкларни вилот, автомобиль транспорти ташкилотлари ва ахборот хизматлари кўрсатувчи корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш, автомобилда йўловчилар ва юк ташиш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш функцияларини бевосита Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилотлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ихтиёрига бериш;
 - йўловчилар ташиш хавфсизлиги чора-тадбирларини мустаҳкамлаш, автомобилда йўловчилар ва юк ташиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг кучли тизимини яратиш, транспорт хизматлари тизимида суғуртаниш мустақил бозорини ривожлантириш.
2. «Ўзавтотранс» корпорацияси таркибига кирувчи умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти тизими корхоналари ва ташкилотларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг қуйидаги тақлифлари қабул қилинсин:
 - Ўзбекистон автомобиль транспорти давлат-акционерлик корпорациясини («Ўзавтотранс-ни») тугатиш;
 - тугатилаётган «Ўзавтотранс» таркибига кирган ҳудудий давлат-акционерлик концернлари ва бирлашмаларини автомобилда ташувчиларнинг ҳудудий уюшмаларига айлантирган ҳолда уларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилотлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ихтиёрига бериш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.
3. Автотранспорт хизматларига тариф сиёсатини шакллантириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигига юклансин.
4. Автомобилда йўловчилар ва юк ташиш соҳасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилотлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:
 - автомобиль ва дарё транспортини ривожлантиришнинг комплекс минтақавий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, иқтисодиётга ва минтақа аҳолисига барқарор автотранспорт хизмати кўрсатиш учун шарт-шароитлар яратиш;
 - автотранспорт хизматлари бозориде рақобат муҳитини шакллантириш, мулкчиликнинг барча шаклларидаги автомобилда ташувчилар учун фаолият кўрсатишининг тенг шарт-шароитларини яратиш;

Тошкент шаҳри, 2001 йил 4 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

МАҲАЛЛАНГ — ОТА-ОНАНГ

Бош мақсад — ижтимоий ҳимоя

Мирзо Улугбек туманидаги Шукур Бурхонов номи маҳаллада сўнги йилларда бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Айнқса маҳаллага педагогика фанлари номзоди Шуҳрат Жўраев оқсоқол этиб сайланганидан сўнг ижтимоий ҳимоя борасида қилинаётган ишлар ўз самарасини бераётганлиги маҳалла фаоллари иштирокида ўтказилган навбатдаги йиғилишда, оқсоқолнинг 2,5 йиллик фаолияти юзасидан қилган ҳисоботида ўз ифодасини топди.

Бундан икки ярим йил аввал маҳаллада моддий-маънавий мададга муҳтож инсонлар фаолиятини ўрганиш ва уларга маънавий, зарур бўлса моддий ёрдам бериш мақсадида ташкил этилган «Умидворлик» маркази аъзоларининг сони 250 нафардан ошиб кетди. Қувонарли жиҳати Марина Давидова раҳбарлик қилаётган ушбу марказга нафақат Шукур Бурхонов маҳалласидаги ночор, ногирон

инсонлар, балки Йўлдош Охунбоев, Бобур, «Янги ҳаёт», «Гулзор» ва «Гулистон» маҳаллаларининг фуқаролари ҳам аъзо бўлишган. Бундан ташқари оқсоқолнинг сай-ҳаракатлари билан 14 нафар аёлни иш билан таъминлаш мақсадида туман меҳнат биржаси билан ҳамкорликда маҳаллада ўқув-тикув маркази фаолият юритаётганлиги, 2-16 ёшли фарзандлари бор 110 нафар оилага на-

фақа пули ўз вақтида берилётганлиги, янги чойхона қуриш ишлари бошланиш арафасида эканлиги оқсоқол ҳисоботидан маълум бўлгач, музокараларда сўзга чиққан Уткир Исломов, «Олтинтепа» масжиди имом хатиби Искандар Ҳалимов, Хамидулла Бобоҷонов, Елена Битюкова, Сония Эсонбоевалар оқсоқол Шуҳрат Жўраевнинг икки ярим йиллик фаолиятини қонқарлиги деб топшиди. Ва маҳаллада оқсоқоллигига яқдиллик билан Шуҳрат Жўраев сайланди.

Шунингдек ушбу йиғилишда маҳалла хотин-қизлар кенгаши раисаси, 15 кишидан иборат оқсоқол маслаҳатчилари, тафтиш комиссиясининг янги таркиби ҳам сайланди.

Ақбар Йўлдошев



Пойтахтимиздаги «Орзу» акциядорлик жамиятининг 6-цеҳ жамоаси харидорлик маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқаришга эришмоқда.

СУРАТДА: цеҳ бошлиги Холмурод Мирзаалиев тикувчилар билан маҳсулот сифати тўғрисида суҳбатлашмоқда.

Солиҳ Зоир олган сурат.

«ТОШКЕНТ ОУПЕН» ТУРНИРИ ОЛДИДАН

«Энг жозибали ва назокатли ўйинчига»

«Оқшом» газеталари махсус соврини топширилади

Илгари хабар қилганимиздек, Вазирлар Маҳкамаси ва Тошкент шаҳар ҳокимининг фармойишларига мувофиқ шу йилнинг 9-17 июнь кунлари пойтахтимиздаги «Динамо» спорт мажмуида хотин-қизлар ўртасида навбатдаги аънавий «Тошкент Оупен» халқаро теннис турнири ўтказилди.

Мусобақаларнинг соврин жамғармаси 140 минг АҚШ долларини ташкил этадиган ушбу турнирга ҳар томонлама қизин тарафдан кўрилмоқда. Шунинг таъкидлаш керакки, «Тошкент Оупен» теннис турнири хотин-қизлар ўртасида ўтиб кел-

лаётган АТФ йўналишидаги нуфузли халқаро мусобақалардан бири ҳисобланади. Илк бор ана шундай халқаро беллашув бундан беш йил муқаддам «Челленжер» тоифасида ўтказилган эди. Жаҳоннинг таникли теннисчи қизлари ўртасида ушбу турнирга бўлган қизиқиш ва эътиборнинг ортиб бориши ўлароқ 1999 йил профессионал теннисчи хотин-қизлар ассоциацияси пойтахтимизда ўтаётган мусобақаларнинг кўлами ва спорт оламидаги шуҳратини эътироф этиб, унга «Тошкент Оупен» номини берди. Шунинг таъкидлаш ўринлики, Хамдустлик мамлакатлари орасида бундай турнирлар фақат Тошкентда ва Москвада

ўтказиб келинмоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ушбу турнирни ўтказишнинг бош хомийси бўлган Тошкент шаҳар ҳокимлиги катта теннис спорт байрами ҳар томонлама юксак савияда ўтиши йўлида кўп сай-ҳаракатлар қилмоқда. Бинобарин жаҳон теннис кортларида ўзларини кўрсатган 60 га яқин теннисчи аёл «Тошкент Оупен» турнирига тақлиф этилганлар. Улар орасида ўтган йилги халқаро турнир голиби, теннисчилик мажлиси Ирода Тўлағанованинг ҳам борлиги гоёқ қувонарлидир.

Табиийки, бундай турнир голибларига ўзларининг қимматбаҳо совғаларини

топширадиган саховатли ташкилотлар топилди. Бу ерда шунинг айтиш керакки, «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталари тахририяти ўзининг яши аънавосига содиқ қилиб бундан олдинги турнирларда бўлгани каби бу гал ҳам «Тошкент Оупен» аънавий турнирининг қатнашчиларидан бирига ўз совринини тақдим этишни режалаштирди.

«Энг жозибали ва назокатли ўйинчига» соврини соҳибаси ким бўлишини биз мусобақанинг сўнги кунинида билиб оламиз.

Бир сўз билан айтганда аёлларнинг «Тошкент Оупен» бу йилги халқаро теннис мусобақалари спортнинг ушбу турига қизиққан ва ошно бўлган мухлисларга олам-олам завқ бағишланиш турган гап.

(Ўз мухбиримиз).

ФУТБОЛ: ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ — 2002

Беллашувлар жадвали эълон қилинди

Илгари хабар қилганимиздек, футбол бўйича Жаҳоний Корея ва Японияда 2002 йилда ўтадиган жаҳон чемпионати финалида қатнашиш учун ўзаро кураш олиб бораётган Осиёнинг энг кучли 10 нафар жамоалари ўртасидаги саралаш мусобақалари иккинчи босқичининг йўналар жадвали маълум бўлди. Ушбу жадвалга кўра «В» гуруҳида иккинчи босқич мусобақалари 17 августда бошланиб 20 октябрда нийосига етади.

Куйида «В» гуруҳида қатнашувчи терма жамоамизнинг қачон, қаерда, қимлар билан ўйнаши ҳақида маълумот берамиз.

- 17 август
- 26 август
- 8 сентябрь

БАА — Ўзбекистон
Ўзбекистон — Катар
Ўзбекистон — Уммон

Хитой — Ўзбекистон
Ўзбекистон — БАА
Ўзбекистон — Катар
Ўзбекистон — Уммон
Ўзбекистон — Хитой

Ўйинлар тақвимида диққат билан назар ташлаган футбол иштибоси бу жадвал ҳамюртларимиз учун қулай келганлигига шўхид бўлади. Чунки айнан август, сентябрь, октябр мамлакатимиз футболчи ички чемпионати мусобақалари қизгин паллага кирган, ўйинчиларнинг ҳар томонлама спорт формасини эгаллаган даврлари ҳисобланади. Шундай экан биз Ўзбекистон терма жамоасидан иккинчи босқич ўйинларида фақат галабалар кўтиб қоламиз.

Анвар Йўлчиев



Агар метро тарихига бир назар ташлайдиган бўлсак узок йиллар манзарасининг гувоҳи бўламиз. Маълумки, инсоният ер ости темир йўлидан фойдаланиш масаласи билан кўпдан бери шуғулланиб келади. Жаҳон метросозлиги 137 йиллик таърибига эга. Биринчи метро 1863 йили Лондонда куриб битказилган эди. Ушандан буён дунё бўйича сановатли юксак тараккий этган, нуфузи салмоқли бўлган шаҳарларнинг 35 тасида ер остида темир йўли бунёд этилди.

Дунёда ўттиз олтинчи — Урта Осиёда эса тўнғич саналган Тошкент метросининг биринчи навбатини фойдаланишга топширишда шу кўп йиллик бой таърибга қўл келди. Бугунги кунда Тошкент аҳолиси ва пойтахтимиз меҳмонлари энг қулай транспорт воситаси бўлган метро хизматидан фойдаланиб келишмоқда. Метро бекатлари оралиғида катнаётган поездлардан йўловчиларнинг асосий қисми баҳраманд бўлмоқда.

Тошкент метрополитени гоят мураккаб муҳандислик-геологик ва сейсмик шароитда бунёд қилинди. Метро туннелларида ҳамда бекатларда конструкторларнинг сейсмик жиҳатдан мустаҳкам бўлиши учун мушкул вазифаларни амалда бажаришига тўғри келди. Тошкент туннелларининг сейсмик ва мураккаб геологик шароити янги конструкциялар, материал ва механизмларни қўллаш заруритини туғдирди.

Энг муҳим вазифалардан бири ёпиқ усулда қазилган лаҳмларда тупроқни зичлаш учун имкон берадиган мустаҳкам ва айна пайтда оддий курилмаларни қўллаш вазифаси турар эди. Тошкент метросозлари мураккаб шароитда тупроқни зичлашнинг бутунлай янги усулини қўллашга қарор қилдилар. Бу эса ер юзасига яқин бўлган ҳамда зилзилага чидамли туннеллар қазиб имкониятини берувчи вазифаларни бажариш заруритини туғдирди.

Лаҳмчилар тупроқни зичлаш усулини илк бор қўлладилар. 1-курилиш-монтаж бошқармаси жамоаси ана шу вазифани амалга оширди. Тошкент метросининг тўнғич йўналиши ана шундай вужудга келганди.

Нихоят Тошкент метрополитенининг дастлабки йўловчилари минг-минглаб чиқоқлар билан нурафшон, мрамор ва гранитдан ясалган тўққизта саройга қадам қўйганди.

...Узоқ оракиб кўтилган дақиқалар етиб келди. Машинист Лутфулла Исмаилов моторли вагоннинг кабинасидаги ўз иш жойига ўтирди. Унинг ёнидан ёрдамчиси, метро поезди ҳайдовчилари орасида биринчи ўзбек кизи Аширғул Раҳматова ўрин олди. Репродукторлардан тез орада ҳамма кўниб қоладиган ўша кун эса ҳар бир кишини гоят тўққилантирган: «Эҳтиёт бўлинг, эшиклар ёпилди...» деган сўзлар янгради.

Ушанда метро ишга тушиши арафасида биз ҳам метрополитенининг «Чилонзор» бекатида бўлиб, газетага лавҳа тайёрлаганимиз ҳамонхануз ёдимизда. Ундан куйидаги жумлалар ўрин олганди: «Ғиштин пиллапоярлар бўйлаб паства тушиб бордик. Биринчи навбатда платформанинг бошланишида металл гардишга бекатнинг туғилган йили «1977» деб ўйиб ёзилган лавҳа намён бўлади. Бугун бу ерда сўнги таррадууд ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Бугун «Чилонзор» бекатининг платформасига қадам қўйган ҳар бир киши залнинг чап ва ўнгданги деворларини саккизгала керамик паннолар беэаб турганлигига қўзи тушади. Уларда халқ ҳаётдан олинган жўшқин манзаралар жуда моҳирона тасвирланган.

Орадан йиллар ўтди. Мустақиллик шарофати ила Тошкент метроси курилиши қизғин паллага кирди. «Тошметролойиха» устaxonасининг ижодкорлари ўз ишларига янада масъулият билан ёндошадиган бўлдилар. Улар илгариги шошма-шошарлик билан чизилган лойиҳалардаги камчилик ва нуқсонлардан тегишли хулоса чиқардилар. Хусусан баъзи метро бекатларининг безатилишидаги пала-партшчилар, ўзига хос миллийликнинг етишмаслиги, айниқса ўтиш жойларининг торлиги ҳисобга олинандиган бўлди. Баъзи бекатлар томондан сурункали ёққан ёмғир сувлари сизиб чиқиши каби ҳолларга чек қўйилаётди. Метросозлар олдига қўйилаётган талаб ва истаклар инобатга олиниб бутун диққат-эътибор ишда сифат ўзгаришига қаратилди. Шундай қилиб Тошкент метроси йўналишлари узайгандан узайиб борди. Янги йўналишлар, янги бекатлар вужудга келмоқда. Бугун эса метронинг йўносубод йўналишида иш қизғин бормоқда.

«Кейинги бекат — «Юнус Ражабий» — шу ердан Чилонзор йўналишига ҳам ўтиш мумкин». Тез орада метрополитенининг диспетчерлик тармоғи орқали узатиладиган ушбу мазмундаги хабар ҳам бошқалар каторида йўловчилар учун одатий ҳолга айланади.


«Мингўрик» — «Юнус Ражабий» — «Абдулла Қодирий» — «Минор» — «Бодомзор» — «Ҳабиб Абдуллаев» — метронинг янги йўносубод йўналишининг биринчи навбатидидаги шу номлардаги олти бекатини ер ости курувчилари Мустақиллик байрамининг 10 йиллигига топширишни мақсад қилиб қўйганлар. Ҳозирча эса айнан шундай кетма-кет тартибда, ҳар бир бе-

Мустақиллик йилларида Тошкент том маънода бунёдкорлик марказига айланди. Бу ерда ўзига хос меъморий мактаб яратилди, десак ҳар томонлама тўғри бўлади.

Пойтахтимизда кейинги йилларнинг ўзида 500 километр масофада янги йўллар барпо этилди. Тошкент метрополитенининг учинчи навбати ҳам ҳадемай ишга туширилади.

Ислом КАРИМОВ

МУСТАҚИЛЛИК МЕВАЛАРИ



3. МЕТРО



кат бўйича алоҳида ҳолда метро курилишининг штаби — «Юнус Ражабий» бекатида мунтазам равишда белгиланган ишлар ҳажми юзасидан ҳисоботлар ва янги вазифалар бўйича йиғилишлар ўтказилмоқда.

— Ҳали уч ой мобайнида қилинадиган ишлар талайгина, — дейди «Тошметрокурилиш» трести бошқарувчиси Шокир Солиҳўжаев. — Чунинчи, Юносубод йўналишига 20 дан ортиқ курилиш ташкилотлари жалб этилган. Агарда ишлаб чиқариш корхоналари, лойиҳалаштириш идоралари ва шу каби, барча ҳамкорларимизни ҳисобга оладиган бўлсак, метронинг курилишида иштирок этувчилар сони юздан ортиқ ташкилотга бориб қолса керак. Ҳозирги кунда бешта бекатда безак ишлари бошлаб юборилди. Айтиб ўтиш жоизки, бу ишларда ўз имкониятларимиздан кўпроқ фойдаланаямиз. Яъни ҳар доимгидек курилиш ва безак ишларида асосан мрамордан кенг фойдаланилмоқда. Унинг «Зарбон», «Розгон», «Габро» каби ўндан ортиқ турлари бекатлардаги устун, девор, юриш жойларини безашда ишлатилмоқда. Баъзи бекатларнинг шифтлари юмшоқ ва пишиқ металл — алюминийдан ишлаб чиқилади. Безак ишлари билан бирга ҳозирда ўтиш туннелларида ҳам жадал суръатларда монтаж ишлари бажарилмоқда. Хусусан, шамоллатиш, электр, сантехника ва бошқа махсус дастгоҳларни ўрнатиш-давом этмоқда. Бу йўналишдаги ишлар деворли ниҳоясига етай деб қолди. Шуни ҳам айтиш керакки, монтаж ишларида пойтахт вилоятининг мутахассислари ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар. Умуман айтганда Юносубод йўналишини таъриб-синов йўналиши деб аташ мумкин. Чунки унинг айрим участкаларида чўян ишланмалари билан бир қаторда биринчи марта темир-бетон конструкциялари ҳам қўлланилмоқда. Чўян тубингларнинг ўрнини босувчи темир-бетондан ишланган «тугунлар» тошкентлик лойиҳачилар ихтироси ҳисобланади. Мазкур бекатларни ишлаб чиқариш ўшун рухсат-лицензия олинган ва бу янгилик тўғриси, кашфиёт метронинг амалдаги иш жараёнида ўзини тўла оқлайди дея оламиз. Чунки мутахассислар бизга ана шундай фикр билдиришди. Шу сабабли пойтахтнинг темир-бетон махсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналари ҳозирда ер ости курилиши объектларини асосий дастгоҳ ва ускуналар билан тазминловчисига айланиб қолишди.

Янги лойиҳалар ечимлари ҳақида гап борганда шуни айтиш мумкинки, аввалги йўналишлардаги айна ҳисобга олинмаган жиҳатлар (масалан, «Пахтакор» ва «Алишер Навоий» ўтиш бекатларида йўловчиларнинг тизгиз қатнови назарда тутилмаганлиги сабабли бу жойларда зичлик ҳоллари учраб туради) инобатга олиниб, Юносубод йўналишининг «Юнус Ражабий» ва «Мингўрик» бекатларидан ўтиш майдончалари анча кенг қилиб лойиҳалаштирилган.

«Юнус Ражабий» бекати Юносубод йўналишини Чилонзор йўналиши билан туташтиради. Ўзбекистон йўналишига ўтиш учун Юносубод йўналиши орқали «Мингўрик» бекатигача боришга тўғри келади, яъни Юносубод йўналишининг ўзидан бирданга икки йўналишга ўтиш мумкин бўлади. Янги йўналишнинг биринчи навбатиди эса яна учта — «Файзулла Ҳўжаев», «Юносубод» ва «Туркистон» бекатлари курилади. Лекин бу ҳаммаси эмас. «Тошметролойиха» институти мутахассислари томонидан мазкур йўналишнинг учинчи навбати бўйича ҳам лойиҳалар таёрланди. У тўрт бекатдан иборат бўлиб, Юносубод даҳасини Жанубий вокзал билан боғлайди.

Кўп йиллик таърибалар асосида «Тошметролойиха» институти тўртинчи — Сергели йўналишининг лойиҳасини ҳам тугаллаш ва унинг курилишига Хитойнинг «Ситик» компанияси инвестицияларини жалб этишга ҳозирлик кўрмоқда. Маз-

кур йўналишнинг узунлиги 9,6 километр бўлиб, Сергели даҳасини Отчопар бозори билан боғлайди ва унинг олти бекатидан тўрттаси ер устидан ўтади. Тўртинчи йўналишнинг охириги навбати курилишида «Отчопар» бекати «Чилонзор» йўналишига 1,9 километр масофада узайтирилади.

Бугунги кунда ҳам ер ости қасрини бунёд этиш ишлари қизғин давом этмоқда. Метрочилар йўловчиларга бундан ҳам яхшироқ хизмат кўрсатиш, уларнинг узогини яқин қилиш учун бошқа хил имкониятларини ҳам ишга солмоқдалар.

— Чиндан ҳам Тошкент метрополитенининг эртанги кунни порлок, — дейди «Метролойиха» раҳбари Одил Зокиров. — Маълумки, ҳукуматимиз қарори билан «2000-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасида шаҳар йўловчи ташиш транспортини ривожлантириш концепцияси» маъқулланди. Республикада шаҳар йўловчи ташиш транспортининг замонавий халқаро талабларга ва аҳолининг ўсиб бораётган турмуш даражасига мувофиқ бўлган тизимини босқичма-босқич шакллантириш вазифалари ўз ифодасини топган мазкур йўриқномада кўрсатиб ўтилганидек 2001-2003 йилларда Тошкент метрополитенининг учинчи йўналиши ва Юносубод метро депоси курилишини тугаллаш, шунингдек, ер ости темир йўлининг янги — «Собир Раҳимов — Сергели» йўналишини барпо этиш лойиҳасини қабул қилиш мўлжалланди. Шу муносабат билан биз янги метро йўли лойиҳаси устида жиддий иш олиб бордик. Бу улкан ер ости иншооти курилишининг техникавий-иқтисодий ишланмалари ҳам тайёрланди.

Тошкент метросининг аввалги йўналишлари

сингари «Собир Раҳимов — Сергели» йўли бекатлари ҳам ўзига хос тарзда курилади. Бинобарин, бу йўналиш гўзал ер ости кошоналари янглиғ қулайликда ҳаммага манзур бўлади. Замонавий меъморчилик лойиҳалари асосида куриладиган бу иншоот «А. Ҳўжаев» метро бекатидан бошланади. Бу йўналиш «Собир Раҳимов» бекатидан Жанубий сановат зонаси орқали Жўн ариги ва Салор устидан ўтиб, Сергели тумани билан боғланади. Янги йўналишнинг ҳар бир бекати ўзининг ички меъморий лойиҳа безаклари билан ажралиб туради. Чунинчи, унинг «Чоштепа» бекати нафис тасвирлардан сайқал топади. Унинг ички деворлари ўзига хос гўзал кўринишга эга бўлади. Бадий ойналар ва хромлашган қувурлар ҳам бекат чиройига чирой қўшади.

Пойтахтимизнинг М. Алавия кўчаси ёнида тикланадиган «Ўзгариш» метро бекати лойиҳасини яратишда ҳам миллий меъморчилик усуллари қўл келади. Курилишда оқ мрамордан ҳам кенг фойдаланилади. Манзарали безаклар эса бекатнинг ички кўринишига ажиб манзара беради.

«Сергели» бекатини куришда ҳам кўп нарсалар эътиборга олинган. Хусусан, бу ерда йиғма темир-бетон устунлари қад кўтаради. Шу мақсадда янгича конструкторлик чизмаларини қўллаш кўзда тутилди. Турли ажиб ёриткичлар, безаклар бекатнинг ички кўринишини очиб беради. Унга кирган кишилар бу ерда йўловчилар учун барча қулайликлар муҳайё этилганлигининг гувоҳи бўладилар. Янги метро йўналишининг сўнги бекати «Дўстлик» деб номланмоқда. Замонавий миллий меъморчилик санъатининг кўринишлари ўз аксини топадиган безаклар бекат бўйича тузилган лойиҳанинг мақсада мувофиқ тарзда тайёрланганлигидан далолат бериб турибди. Бу ерда йўловчилар катнови учун қўшимча қулайликлар муҳайё этилади. Бунёдкорлик ишларини олиб боришда гранит тошлар, оқ рангда тайёрланган манзарали тўсқилар, турли рангда жилволаниб турган мраморлар ҳам қўллаб ишлатилади. Шунингдек, йўловчиларнинг метрога кириб чиқишлари учун ҳам бир қатор қулайлик муҳайё этилади.

Бундан ташқари, метронинг Чилонзор йўналиши «Буюк Ипак йўли» бекатидан «Тошкент трактор заводи»гача 6,36 километрга узайтирилади ва бу масофада қўшимча учта бекат таркиб топади. Ўзбекистон йўналишига эса иккита бекат қўшилиши назарда тутилган. Унинг «Беруний» бекати Қорақамиш даҳасигача давом этирилади.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда метрополитенининг 30,6 километрли 23 бекатидан иборат иккита йўналиши аҳолига хизмат кўрсатаётган бўлса, янги лойиҳалар ҳаётга тадбиқ этилиши билан унинг узунлиги 67,61 километрга етиб, тўрт йўналишли бўлади. Буларнинг ҳаммаси истиқболдаги режалар, албатта. Шундай бўлса-да фақат Юносубод йўналишининг биринчи навбати ишга туширилиши билан йўловчилар уч йўналишнинг 31 бекати орқали шаҳарнинг бир бошидан иккинчисига, хуллас керакли манзилгача ҳам вақтини тежаб, ҳам ортиқча харажасиз бемалол етиб бориш имкониятига эга бўладилар.

Шундай кун яқин. Уша кунда ҳамшаҳарларимиз, бутун Ўзбекистон аҳли Мустақиллигимиз 10 йиллиги шодийналар арафасида орқиқиб кутулган Юносубод йўналиши ишга тушиши тантаналарининг шохиди бўладилар. Бинобарин, метронинг ушбу йўналиши Буюк истиқлолимиз неъматларидан бири бўлиб қолажак!..

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

ТАДБИРКОРЛИК

Сифатга эътибор

«Мавж» Ўзбекистон — Англия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг сифатига алоҳида эътибор қаратилаётгани боис ҳам харидорлар сони ортиб бормоқда.

Корхона тадбиркорлари бозор иқтисодиёти талабларини англаган ҳолда бугуннинг харидори дидан келиб чиқиб, бозор конъюктурасини ўрганишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ана шу боис ҳам махсулотнинг янги-янги турлари изланишлар эвазига, харидорга тортиқ этилмоқда.

— Тадбиркорликда ташаббус, изланиш, сермашаққат меҳнат биринчи ўринда туради. — дейди корхона директори Неъматилла Зиёвуддинов. — Биз ҳам изланиб, бозорни чуқур ўрганиб иш юритаётганимиз боис махсулот турлари ва сифати ортиб бормоқда. Аввалига тез пишувчи лапша махсулотини тайёрлаган бўлсак, кейинчалик соч ювиш воситалари ишлаб чиқара бошладик. Бугунга келиб шампунларимизнинг тури 50 хилдан ортиб кетди. Уларни идишларга қадоқлашда ҳам харидор эҳтиёжи ва диди ҳисобга олинмоқда. Шунингдек, янги йилдан ювиш ва тозалаш воситалари, оёқ кийимлари учун крем-паства ва эмульсия, мебель ҳамда этикетка ва гулқоғозлар ёпиштирувчи елим махсулотлари тайёрлана бошланди. Яқиндан бошлаб эса яна бир янги мрамор-гранит кукунидан «Glint» деб номланган курилишда асқотадиган безак махсулоти ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

Албатта, ушбу хилма хил махсулотларнинг барчаси юксак унумли замонавий хориж дастгоҳларида амалга оширилмоқда. Сифатли ва рақобатбардош махсулот тайёрлаш учун энг замонавий технологиялардан фойдаланиш лозимлигини ҳис этган тадбиркорлар шу боис ҳам шехларни жиҳозлашга биринчи галдаги вазифа сифатида қарашмоқда.

Айни кунларда корхонада 70 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Улар қўлғу байрам — республикамиз Мустақиллигининг 10 йиллигини ўзига хос ютуқлар билан қўтиб олиш ниятида. Хориж технологиялари асосида тиш ювиш воситалари тайёрлаш цехини ишга тушириш, бу билан бир неча қўшимча ишчи ўринлари яратиш уларнинг бугунги мақсадларидан бири. Изланишлар эса, албатта, ўз самарасини кўрсатмоқда. Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган анъанавий «Бешинчи Тошкент савдо-сановат ярмаркаси»да корхона ишлари юқори баҳрланиб, улар «Импорт ўрнини босувчи энг яхши махсулот учун» дипломига сазовор бўлишди.

Дилноза ҒИЁСОВА

ҲАМКОРЛИК

Фахрий медаль соҳиблари

Москва шаҳар электр транспорт корхоналари халқаро уюшмаси Тошкент шаҳар йўловчи транспорт корхоналари Давлат уюшмаси билан кўпдан бери ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бундай яқин алоқа туфайли транспорт хизмати учун пойтахтимизга қўллаб-техникалар етказиб берилди.

Узаро ҳамкорликни кенг йўлга қўйишдаги фаоллиги учун «Тошшаҳарйўловчи» уюшмасининг бир гуруҳ етакчи мутахассиси халқаро уюшманинг фахрий медаллари билан тақдирланди.

Анвар АЗИЗОВ

ЎЗБЕК ТАРИХИ — ЗЛИК ТАРИХИ

(Давоми)

Шунинг учун ҳам бир қатор тарихчиларнинг фикрлари эндигина юришни ўрганган боладек, оёқлари чалишиб, ўзини форс, юнон, хитой, араб манбаларига уриб олади, йиқилай деганда рус ва бошқа хорижий олимларнинг хулосаларига таянади, улардан мадад топади.

«Ўзбеклар қадимий халқ...» дейилади-да, яна яқин минг йилдан нарига ўта олмасдан орқага қайталади, XVI асрда ўтган Ўзбекистон номи қайтадан чайналади, сўнг кўчманчи ўзбеклар давлати ҳақидаги ҳикоятларга ўталади.

Чунки ундан нарисни хавфли, хатарли, ҳар қандай заковат эгасини адаштириб, боши берк кўчага киритиб қўйдиган даражада чалқаш.

Гоҳида халқ оғзаки ижодининг унсурлари ёзма адабиётни ишғол қилган бўлса, гоҳ ёзма адабиётдан ҳикоятлар, тимсоллар оғзаки адабиётнинг мулкига айланиб кетган.

Нафси ҳаққалак отган не-не босқинчиларнинг юртимизга бойлик илнжиди, бу бебаҳо заминга ҳўжайинлик, халқига ҳуқронлик қилиш илнжиди қўшин тортгани, обод гўшаларни вайронга айлантиргани рост.

Тўб халқнинг марду майдон ўғлонлари, қизлари уларнинг ҳеч бирини гўл билан эмас, қилич ва найза билан қарши олгани, эрки учун қурашгани, ёвларнинг адабини бергани ҳақиқат.

Шуни била туриб, негадир «мана шу бўйсунмас, жангари ва жасур халқ айнан ўзбеклар эди» дейишга журъатимиз етмайди. Секингина шивирлаб «бизнинг аجدодларимиз, боболаримиз, момоларимиз» деймишда, бироз эшитиб қолган бўлса, гапимизни ёлғонга чиқариб, изза қилмасмикан, деб ён-атрофга олазарак қараб қўямиз.

Хайриятки, теграимизда дакки берадиган ҳеч ким йўқ. Бугунча ҳар ким ўзининг тарихини титқилаш билан овора.

Массажетлар маликаси Тўмариснинг жарсратини, саклар баҳодир Широкнинг матонатини мадҳ этишни яхши кўрамиз, аммо уларни ўзимизнинг жигарбандимизга айлантириш қўлимиздан келмайди.

Уларнинг шон-шавкатини тарих варақларига муҳрлаган Херодотнинг ҳикоятлари айни пайтда ўртамизга ўтиб бўлмас тўсиқ ҳам ўрнатиб кетган. Чунки у миллий қаҳрамонларимизни бизга тушуниқсиз бўлган «массажет», «сак» атамалари билан аталган халқларнинг фарзандлари, деб атайди ва байрон тилимизни соқов қилиб қўяди.

Тарихчилар ҳам, тилшунослар ҳам уларнинг қимлигини шарҳлашга, бугунги ўзбекларга олиб келиб боғлашга ожизлик қилади.

Агар Ўзбекистон аталган маконнинг туб аҳолиси биз бўлсак, сак ва скиф қабилалари қаердан келди ва нега заминимизда ҳуқронлик қилиб, тарихга кирди?

Агар чиндан ҳам туб аҳоли сак ва скифлар бўлса, бугун қаёққа қойиб бўлди, биз қаердан ва қачон келиб қолдик, унда нега юртинг ерига, тарихига, барча қадриятларига соҳиблик давросини қўйлапмиз?

Агар... агар...

Шу саволларга жавоб топилмас экан, биз бир умр тарихимиз ҳақида гап кетганда мум тишлаб ўтираварамиз ё гумроҳланиб ўзимизни қандайдир йўқолиб кетган халқларнинг зурёди, деб тақдим этаемиз.

Оқибатда, дўст ва душман тарихчиларнинг «ўзбек халқи бундан беш юз йил бурун пайдо бўлган» қабилидаги фикрларига ўзимиз тайёр баҳона, керак бўлса, асос топиб берган бўламиз.

Хўш, нима қилиш керак? Юрак юрагимдан сезаманки, тарихимизга ватанпарварлик тўйуси билан, фарзандлик ҳисси билан ёндошсак, у бизга, албатта, ўзининг сирларини очади, яшириб қўйган жаҳоирларини пойимизга тўкади.

Бунинг учун жуда ҳам ўзоққа бориб шарт эмас.

Биз қидирган мўъжизаларнинг ҳаммаси халқимизнинг қониди ва жонида мужассам.

Гап уни аңлашда, тушунишда ва тилга киритишда.

Шонли тарихига ягона ва шоҳона ёдгорлик — шу заминнинг тупроғидан яралган, ўз-ўзидан қўлайган, биронта босқинчининг йўриғига юрмаган, ақинча, диёримизга эгалик қилиш ниятида селдай улоқиб, ошиб-тошиб келган босқинчиларни азим бир умом бўлиб, бағрига ютган, фарзандлари сафига қўшиб олган **Ўзбек халқининг** ўзидир.

Айри ва муштарак тақдирлар

Президентимиз бир суҳбатларида «...биз ўзимизни миллат деб билар эканмиз, ўзбекчилигимиз ҳақида аниқ тушунчага эга бўлишимиз керак. Туркий тилли халқ бор, турк халқи бор. Фарқини ҳар бир фуқароимиз, аввало, фарзандларимиз билиб олсинлар», дея таъкидлаган эдилар.

Бу фарқни аниқ билишга эҳтиёж кеча ёки бугун пайдо бўлган йўқ.

Миллий Истиқлолимизга қадар юртимизга эгалик қилганлар ҳам ўзбек халқини туркий халқлардан ажратиб кўрсатишга урингани, бу билан бир қардош ва қондош элатларни бўлиб-бўлиб ташлашни мўъжаллаганлар.

Йигирманчи асрнинг бошларида маърифатпарварлар эса, ақинча, уларни бирлаштиришнинг имкониятларини қидирганлар ва пантуркист, яъни, туркпараст номини олганлар.

Икки ҳолатда ҳам ўзбек халқи ютказган — тарихи чалқашиб кетган.

Бугун эса мана шу чалқаштирилган ипларни ечиш, ҳаммасини жой-жойига қўйиш, нарсаларни ўз номи билан айтиш эҳтиёжи туғилди.

Чунки бу мураккаблик ечилмас экан, нафақат ўзбек халқининг, балки бошқа туркий тилли халқларнинг тарихлари ҳам ойдинлашмасдан қолаверадилар...

Бир қарашда айри-айри, алоҳида-алоҳида кўринган нарсалар қўқурроқ ўрганилса, муштарак эканлиги аён бўлади.

Юз йилдан мўлроқ умр кўрган азим чинорнинг ҳар бир шохи, бутоғи ўзича мустақил, алоҳида, бири Фарбга, бири Шарққа, бири Шимол, бири Жанубга қараб қулоқ отган эрса-да, ҳаммаси битта танадан чиқиб, яна битта осмонга, битта қуёшга талпинганини кўрамиз.

Бу — яққалиқдан қўпликка, қўпликдан яна яққалиқка интилишдир.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Ақинча, сунъий равишда бир-бирига муштарак, деб тақдим этиладиган нарсаларнинг замирида аслида алоҳидлик ётади.

Бахтиёр РИЗО
(Давоми бор).

Болалар — бизнинг эртаимиз, келажакимиз. Уларни ҳар жиҳатдан етук, баркамол бўлиб шаклланишларида таълим-тарбия, қолаверса, илму ҳунарнинг ўз ўрни, кўлами бор.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 380-болалар боғчасида таълим-тарбия, ёшларни меҳнатсевар, ватанпарвар, соғлом, баркамол авлод қилиб тарбиялаш борасидаги ишлар таҳсинга сазовордир.

Тажрибали педагог Закираҳон Незматжоннова раҳбарлик қилиб келаётган бу боғчада 100 дан ортиқ бола таълим-тарбия олмақда.

Боғчага кўриб боришингиз билан тоза ва озода, кўм-кўк боғ ва унинг ёнидаги шимамгина қилиб жиҳозланган ўйин ва спорт майдончаси кўзга ташланади. Боғча биносида жойлашган дарс ўқиш, ҳунар ўрганиш, бошқа машғулотлар ўтказиш хоналари, болаларнинг дам олиб ҳордиқ чиқариш хоналари бири-бирдан чиройли, саранжом, юксак дид билан жиҳозланган.

Гавҳар Жуманиёзова, Инобат Ражабова, Дилрабо Тешабоева, Умида Эргашадиёва, Азиза Мирзаева, Мастура Маматқулова, Нодира Омонова, Нигора Турсунбоева, Любовь Каримова сингари малакали тарбиячилар боғча болаларига таълим-тарбия беришда, касб-ҳунар сирларини қўнғ билан ўргатишда ҳамда уларни соғлом, баркамол авлод бўлиб ўсишларида ўз билим, тажриба ва меҳнатларини айма-ётирлар. Бу педагог-тарбиячилар болаларга жисмоний, ахлоқий ва меҳнат тарбиясини бериш билан бирга уларни табиат билан таништириш учун Республика табиат музейи, Ботаника боғи, «Боғи Эрам» истироҳат боғи, ҳайвонот боғига олиб борадилар.

Боғчанинг «Бинафша» кичик гуруҳида қўп йиллардан бери тарбиячи бўлиб ишлаб кела-

ётган Гавҳар Жуманиёзова ҳамда Инобат Ражабовалар боғча болаларига миллий урф-олатларимиз, ўйинлар, эртақлар ўргатишда, турли хил фигуралар ясаш, расмлар чизишда, ранг ташлашларида кўмаклашмоқдалар.

Боғчанинг «Атиргул» тайёрлов гуруҳида эса

ни ўргатадилар. Улар ўзлари ўрганган қўшиқ ва рақсларни боғчада ўтказиладиган кечаларда, эртакларда ижро этадилар. Боғчада спорт шўъбалари мунтазам ишлаб турибди. Зўҳридин Поллонов раҳбарлик қилаётган жисмоний тарбия машғулотларида 6-7 яшар болалар қаратда фаол қатнашиб келмоқдалар.

Шунингдек, болалар волейбол, баскетбол ҳамда шахмат-шашка тўғарак ва турнирларида ҳам қатнашиб, шаҳар ва туманлараро ўтказиладиган мусобақаларда муносиб ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Боғчанинг энг қобилиятли болалари эса олий маълумотли педагог Гузъл Зуфаровадан инглиз тилини ўрганмоқдалар. Оғир табиатли болалар, мураккаб турмуш кечиришга одатланиб қолган оилалар билан мунтазам ишлашда етук педагог ва руҳшунос Елена Рузиқуллованинг меҳнати айниқса самаралидир.

Болаларнинг саломатликларини, уларнинг соғлом ва бақувват ўсишларида олий маълумотли шифокор Анна Лапина ҳамда катта ҳамшира Муқаллас Йўлдошеванинг хизматлари каттадир.

Боғчада идора ишларини тартибга солиш ва юргатишда, ҳужжатларни сақлашда Рихсихон опа Ёқубованинг талбиркорлиги таҳсинга лойиқдир.

Хуллас, боғчада ҳар томонлама таълим-тарбия, ҳунар ўрганиб, соғлом, баркамол ўсатган болаларимиздан умидимиз катта. Келажакимиз эгалари бўлган доно, ақлли фарзандларимиз Оналар ва болалар йили бўлмиш жорий йилда ҳам ҳар томонлама тарбия олмақдалар.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ
СУРАТДА: боғча тарбиячилари ва тарбияланувчилари.
Муаллиф олган сурат.



Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси томонидан мунтазам равишда муштарак равишда қўлга етказиб берилган «Имом ал-Бухорий сабоқлари» маънавий-маърифий, илмий-адабий, рангли-безакли журналининг 2001 йилдаги 2-сонини нашрдан чиқди. Ушбу сон мустақиллик инъом этган энг буюк неъматлардан бири — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган.

Журналнинг навбатдаги сони

Журнал бош муҳаррир З.Мунавваровнинг «Хотирамизнинг сарбаланд мағи» мақоласи билан бошланади. Унинг саҳифаларидан Куръони каримнинг республикамизда сақланаётган нодир нусхалари ҳақида ҳикоя қилинадиган «Абадий барҳаёт китоби» руқни остида Фаилар академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган қадимий нусхалар ҳақида таниқли манбаъшунос М.Ҳасанийнинг «Куйфий хатида ёзилган Куръонлар» номли қизиқарли мақоласи жой олган.

Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишланган руқн бу сонда ҳам давом эттирилган. Ундан жой олган А.Қаюмовнинг «Навоийга бағишланган тафсир», С.Ганиеванинг «Тухфат ус-салотин ёҳуд шох байтлар мажмуаси», Э.Умаровнинг «Ўзбек тилининг жонқуяри», Ш.Гафоровнинг «Муножотда тасаввуф талқини» мақолалари буюк мутафаккир ижодининг кам ўрганилган қирраларини ёритишга бағишланган.

Мазкур сондаги «Замонамиз уламолари» руқни остида Ўзбекистон мусулмонлари идорасида қарийб ярим аср хизмат қилиб, ўзининг эзгу ишлари билан халқимиз эъзозига сазовор бўлган марҳум Шайх Юсуфхон Шокир ҳақида ҳикоя қилинган. Ушбу руқн орқали муштарийлар халқимиз билан ҳамнафас бўлган камтарин инсоннинг юксак маънавий олами билан яқиндан танишларлар.

Шунингдек, журнал саҳифаларидан У.Уватов таржимасида берилган Шайх Абдуссалом ал-Муборакфурийнинг «Сийрат ал-Имом ал-Бухорий» асарининг давоми, яқинда юртимизга таширф бурурган дунё нақбандия тариқати издошлари раҳбари Шайх Муҳаммад Нозим Оди ал-Ҳаққоний билан мулоқот, таниқли драматург А.Иброҳимовнинг Тошкент тарихига бағишланган «Кечмишдан мужда» мақоласи ва ижтимоий ҳаётимизга доир бошқа мақолалар ўрин олган.

Ушбу соннинг ўзига хос аниқлиги унинг таркибиде «Имом ал-Бухорий авлодлари» номли ёшлар журналчаси ташкил этилганлиги. «Журнал ичидаги журнал»да миллий-диний қадриятларимиз, ўтмишда яшаб, ижод этган буюк аждодларимиз ҳаёти ва мероси, ислом маданияти, ахлоқи, фалсафаси, ёшлар ҳаётига доир ҳозирги муаммолар каби масалалар, ёшларнинг фикр ва мулоҳазалари орқали ёритилган. Ёшлар эътиборига бадиий асарлар тақдим қилинган. Журналчандан, асосан, ёшлар ижодининг маҳсули, уларнинг савол ва тақлифлари ўрин олган.

Ёшлар журналининг руқнлари ҳам муносиб равишда танланган. «Ҳадисларнинг улуғ ҳикмати», «Маънавийтимизнинг олмос қирралари», «Ислом фалсафаси дурдоналаридан», «Устоз ва шогирд», «Конституциямизни ўрганамиз», «Замонамиз қаҳрамонлари», «Гийёналик — офат», «Ёшлар ахлоқи муаммолари», «Тарозининг иккинчи палласи» каби оригинал руқнларда ёшлар ҳаётининг кўпгина қирралари қамраб олинган.

ТАНЛОВЛАР

Ғолиб аниқланди

«Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз» мавзусида эълон қилинган иншо-реферат танлови Ўзбекистон Мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланди.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги ҳамда «Улуғбек» жамғармаси томонидан уюштирилган мазкур

ТАНЛОВЛАР

Ғолиб аниқланди

беллашувда «Миллий ғоя, миллий мафкура — менинг тақдиримда» деб номланган ёзма иш танловининг биринчи ўрин соғирани билан тақдирланди.

Бундай утқуни Тошкент автомобиль йўллари институтининг талабаси Азиза Тулаганова қўлга киритди.

Атхам АЮБОВ

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА

Куйдирги — ўткир юқумли касаллик бўлиб, касаллик кўзгатувчиси капсула ва споралар ҳосил қилиш хусусиятига эга таёқчасимон микроб ҳисобланади.

Куйдирги таёқчалари ташқи муҳитга чидамли бўлиб, спора ҳолатида 40 йил ва ундан кўпроқ муддатгача тупроқда сақланиши ва касаллик кўзгатиши мумкин. Иссиқ қонли ҳайвонлар ва одам организмида куйдирги кўзгатувчиси капсула ҳосил қилади. Касалланган ҳайвонлар микроблар ташқи муҳитга пешоб, нажас, сўлак, қон аралаш суякликлар орқали ажратадилар ва шу орқали касалликнинг тарқалишига сабабчи бўладилар.

Куйдирги касаллигига мавсумийлик хос бўлиб, бу ёзуқ фаслларига тўғри келади. Куйдирги касаллигини кўзгатуви микроблар одам ва ҳайвонлар организмига тери, оғиз ва нафас йўллари орқали кўриб, касаллик аломатларини келтириб чиқаради. Аввал касалликнинг яширин даври юзага келади ва бу давр бир неча соатдан то 14 кунгача давом этиши ва беморлар томонидан ҳеч қандай шикоят бўлмалиги мумкин.

Қандай йўл орқали юқинишга қараб, касалликнинг тери, ўпка, ичак ва септик (қонда) шакллари кузатилади. Кўп ҳолларда, яъни 95-98 фоизгача касалликнинг тери шакли қайд қилинади. Бунда микробнинг териға кирган жойида қизғиш доғ пайдо бўлади, сўнг бу доғ худди чивин чаканга ўшаб шишиб папулага, кейин эса суяқлик тўпалаб везикулага айланади, парда билан қопланган ярача оғриқсиз бўлади. Яра пайдо бўлган жойнинг атрофидаги лимфа безлари шишади, лимфаленинг пайдо бўлади ва кейинчалик куйдирги таёқчасининг қонга ўтиши натижасида сепсис юзага келади. Бунда бемор қувватсизланиб, тана ҳарорати кўтарилади, боши оғрийди, эти увишади, иш-

Ўткир юқумли касалликдан сақланинг

таҳа пасаяди, юракнинг тез уртили, жигар ва талочнинг қатталашини ҳамда интоксикация аломатлари ривожланади.

Куйдиргининг ўпка шакли анча оғир кечади. Бунда касалликнинг яширин даври қисқа бўлиб, ҳарорат тез кўтарилади, мушакларнинг тиришиши, нафас қиёши, йўтал, балғамнинг қон аралаш келиши каби аломатлар кузатилиб, бу шакли кўпинча ўлим билан тугайди.

Куйдиргининг септик шакли тери, ичак ва ўпка шакллари билан кейин бошланади, бунда кўзгатувчи қонга ўтади ва қон орқали бутун организмга тарқалади.

Касалликнинг олдини олиш учун куйдагиларга амал қилиш керак:

— хусусий хонадонлардаги ва ҳўжалиқлардаги чорвачилик ҳайвонларининг тўлиқ ҳисобини олиш ва уларни йилда бир мартаба эмлаш;

— чорвачилик фермаларида, жун, тери, гўшт ва сутни қайта ишлаш корхоналарида ишловчилар иш жараёнида ветеринария-санитария қондаларига риоя қилишлари, касалликка қарши ҳар йил режалли эмланиб, тиббиёт ходимлари назоратида бўлишлари дозим;

— мол бозоридан сотиб олинган қорамоллар ветеринария хизмати томонидан берилган соғломлиги тўғрисидаги гувоҳномаси бўлиши керак;

— бозорларда

